

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Ахмедова

Умумлашган ҳосила асосида функциялар тригонометрик ёйилмасининг ягоналиги 6

КИМЁ

Г.Рахматова, М.Курбанов, М.Рузибоев

1-тиаиндан, 1-тиохроман ва уларнинг ҳосилаларини диациллаш реакцияларини ўрганиш ва синтезлаш 11

Ф.Юсупов, А.Кўчаров, М.Маманазаров, С.Халилов, Р.Тошбобоева

Қўнғир кўмирни бойитишга турли факторларнинг таъсирини ўрганиш, физик-механик параметрларни ва турли шароитларга бардошлилигини аниқлаш 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

З.Жабборов, И.Мамажанов

Саноат ифлосланиши экологияси 20

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.Ҳакимов, Ш.Зулфикаров, А.Абдумаликов

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари 26

М.Назаров

Илмий-техник ижодиётда шубҳа тамойили ва танқидий қараш 33

Ш.Аббосова

Янгиланаётган Ўзбекистон, жамиятнинг демократлашуви ва шахс эркинлиги 37

Б.Ғаниев

Ўзбекистондаги трансформацион жараёнлар даврида тадбиркорлик масаласини илмий-методологик ва фалсафий тадқиқ этиш зарурати 41

ТАРИХ

У.Абдуллаев, М.Ғозиев

Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ эътиқодий қарашлар 45

Э.Ғуломов

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг шаклланиши (1991-2000 йиллар) 49

Ў.Хошимов

Олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида) 55

Н.Кенжаева

XX асрнинг 30-йилларида Помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган илмий экспедицияларнинг комплекс тадқиқот фаолиятига доир: аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари 60

С.Рахматуллаева

Фарғона водийсида экологик вазиятнинг оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан айрим мулоҳазалар (1950-1994 йиллар мисолида) 66

О.Кличев

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларда совға алмашинув тартиблари 70

О.Пуговкина

Устоз ва унинг шогирди: В.В. Бартольд ва Н.С.Ликошин 74

Г.Рахимова

Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг экологик ҳолатга салбий таъсири 79

ТАРИХ

обязаны вмешательству Василия Владимировича Бартольда!» [7, 80].

Рассматривая историю научных и дружеских взаимоотношений именитого ученого Василия Владимировича Бартольда и известного туркестановеда Нила Сергеевича Лыкошина можно говорить о

том, что их объединяло одно увлечение – это трепетное отношение и любовь к истории Средней Азии, к его рукописному наследию и общее стремление изучить его, сделав доступным для всех интересующихся историей народов Средней Азии.

Литература:

1. Акрамов Н.М. Выдающийся русский востоковед В.В. Бартольд. Научно-биографический очерк. — Душанбе, 1963; Историография общественных наук в Узбекистане. Биобиблиографические очерки. Составитель Б.В. Лунин. — Т.: Фан, 1974; Лунин Б.В. Жизнь и деятельность академика В.В. Бартольда. — М., 1976; Умняков И.И. Аннотированная библиография трудов академика В.В. Бартольда. Москва, 1976 и др. Из современных работ см. статьи узбекистанского историка Ю.С. Флыгина: Флыгин Ю.С. Знаток Востока. Жизненный путь и научная деятельность академика В.В. Бартольда. —Т.: Turon zamin ziyo, 2016 (монография).
2. О нем подробнее см.: Пуговкина О.Г. Нил Сергеевич Лыкошин: от Самаркандского военного губернатора до советского профессора // Восток. Oriens, 2018. № 6.
3. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. —Т.: Наука, 1965.
4. Наршахи Мухаммад. История Бухары. Перевел с персидского Н.Лыкошин под редакцией В.В.Бартольда: / Наршахи Мухаммад. — М.: Книга по Требованию, 2011. 129 с.
5. Лыкошин Н.С. К вопросу об изучении туземной литературы // Туркестанские ведомости. 1900. № 88.
6. Национальный архив Узбекистана, далее – НАУ Ф-1009 (Личный фонд Н.П. Остроумова), оп.1, д. 29.
7. НАУ, ф. Р-2773 (Личный фонд М.Е. Массона), оп. 1, д. 1172.
8. Государственный архив Самарской области, далее – ГАСО. Ф.Р -28 (Протоколы заседаний социально-исторического факультета Самарского государственного университета), оп.1, д.141.

(Рецензент: М.Исомиддинов – доктор исторических наук, профессор).

УДК: 93/99+33/.76

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ**НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ НА ЭКОЛОГИЧЕСКУЮ СИТУАЦИЮ****THE NEGATIVE IMPACT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES ON THE ENVIRONMENTAL SITUATION IN KASHKADARYA REGION.**Г.Рахимова¹¹ Г.Рахимова— Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Қўқон давлат педагогика институту.**Аннотация**

Мақолада XX асрнинг 40-80 йилларида Қашқадарё вилоятида саноатлаштириш сиёсатининг олиб борилиши, саноат корхоналарининг маълум бир шаҳарда зич ва жуда яқин жойлаштирилиши, саноат корхоналарининг мажбуриятларини жадаллик билан бажариши, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўлкага эмас, балки собиқ Иттифоқ манфаатлари учун хизмат қилгани тарихий манбалар асосида баён этилган. Ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ривожланиши, саноат корхоналарининг моддий-техник базаларига эътиборсиз қолганлиги натижасида чиқиндиларнинг атроф-муҳитга етказган зарарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Аннотация

В данной статье, опираясь на исторические источники, раскрываются основные положения реализации политики индустриализации в Кашкадарьинской области в 40–80-е годы XX века. На основе проведённого анализа выявлено и описано, что продукция промышленных предприятий служила интересам бывшего Союза, а не края, поэтому промышленные предприятия были очень близко расположены к городам и друг к другу. В результате небрежного использования материально-технической базы промышленных предприятий и быстрого достижения результатов, а также из-за сброса отходов в окружающую среду, был нанесён ущерб экологии.

Annotation

Based on historical sources, this article reveals the main provisions of the implementation of industrialization policies in the Khashkadarya region in the 40–80s of the XX century. Based on the analysis, it was revealed and described that the production products served the interests of the former union, and not the region (republic), therefore, industrial enterprises were very close to cities and to each other. As a result of the careless use of the material and technical base of industrial enterprises and for the rapid achievement of results, as well as due to the discharge of waste into the environment, environmental damage was caused.

Таянч сўз ва иборалар: саноат корхоналари, атроф-муҳит, одамлар, ишлаб чиқариш, сув, тупроқ, саломатлик, атмосфера ҳавоси, касалланиш.

Ключевые слова и выражения: промышленные предприятия, окружающая среда, люди, производство, вода, почва, здоровье, атмосферный воздух, заболевание.

Keywords and expressions: industrial enterprises, environment, people, production, water, soil, health, atmospheric air, diseases.

Дунёдаги экологик муаммолар бугунги кунда долзарб муаммога айланган. Аҳоли орасидаги турли касалликларнинг юзага келиши, инсоният генотипидаги салбий ўзгаришлар экологиянинг кескин ўзгарганидан дарак беради. Экологиянинг кескинлашувига кўплаб саноат корхоналарининг қурилиши, аҳоли эҳтиёжларида кимёвий воситаларнинг ортиб бориши, чиқиндиларнинг тартибсиз ва назоратсизлиги ва табиий ресурслардан оқилана фойдаланмаслик каби омиллар сабаб бўлади.

Ўзбекистон экологик ҳолатининг кескинлашувида собиқ Иттифоқ даврида пахта етиштиришда унга мослаштирилган, бир томонлама ривожлантириш мақсадида тартибсиз ва аҳоли орасига зич қурилган саноат корхоналари сабабчи бўлган. Мазкур ҳолат, яъни саноат корхоналарининг аҳоли яшаш жойларида қурилиши натижасида экологик ҳолатнинг кескинлашувига сабаб бўлган. Қашқадарё иқтисодий вилоятдир. Қашқадарё вилоятининг атроф-муҳити ва экологияси ўзгаришлари[1] ҳақидаги тадқиқотлар мавжуд бўлиб, Э.Чембарисов,

Ж.Мирзақобулов, Б.Холбаев, Д. Карабекова ва Ш. Асилбаевлар тадқиқотларида сувлар, тупроқ ва атмосфера ҳавосининг экологик ҳолатларидаги ифлосланишларнинг аҳолига таъсири, турли касалликларнинг авжланиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Саноат корхоналарининг тараққиёти ҳақида ишларда эса совет тузуми давридаги тадқиқотчиларни ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, саноат корхоналарининг тараққиёти ҳақида совет тузуми даврида тадқиқотчилар томонидан социалистик мафкуранинг бўртириб мақтаб ёзишдан нарига ўтилмаганлигини кўриш мумкин. Жумладан, америкалик тарихчи Франка Экера “Осиё ўтиш даврида” номли асарида “Ўзбекистон ССРда саноат корхоналарининг ривожланиши Улуғ Ватан уруши билан жуда боғлиқ, айниқса, саноат корхоналари урушдан кейинги даврда Ўзбекистон ССР да тез ривожланган ва шу билан бирга ишчилар синфи ҳам тез ташкил этилган”[2,295]лигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат корхоналарининг кўчириб келтирилиши билан боғлиқ саноат корхоналарининг тараққий этишига замин яратилганди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг буйруғига асосан, X съездда ўлкага 90 дан ортиқ катта завод ва фабрикалар эвакуация қилинган[3,36] ва тез орада улар фаолияти текширувлардан ўтказилмай, назоратсиз бошлаб юборилган.

Бинобарин, Қашқадарё вилоятида 1950-1960 йилларда янги саноат корхоналарининг қурилиши бошланди. Жумладан, ёғ экстракти, пахта тозалаш саноати, консерва заводи, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб саноат корхоналари иш бошлади. Шиддат билан иш бошлаган саноат корхоналари фақат марказ томонидан бошқарилиб, беш йиллик режалар асосида мажбуриятлар қўйилганди. Тез орада бу беш йиллик режаларнинг ортиғи билан бажарилиши, ўлкадаги иқтисодий ривожланишнинг юқори белгилари бўлган. Ишлаб чиқаришнинг ортиб бориши, янги уй-жойларнинг қурилиши ва аҳолининг бандлиги Ўзбекистон учун янги давр эди. Ўзбек халқи юракдан, меҳнатсеварларча ишлаб келди ва мажбуриятларни ўз вақтида бажариб келиши ишлаб чиқариш молларининг ортиб боришига сабаб бўлган. Шу сабабли Қашқадарё вилоятида 1960 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1950 йилга нисбатан 4.4 баробарга ортади[4,34]. Қашқадарё вилояти саноати халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади.

Унинг ривожланиши табиий ва иқтисодий ресурсларни ўзлаштириш, жадаллик билан ортиб бораётган аҳоли ишчи кучларидан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир. 1960- йилларда Бухоро ва Хива депрессияси ва Қашқадарё вилоятининг табиий газ захираларининг хўжалик маблағлар айланмасига жалб қилиниши саноат тармоқлари таркибининг ривожланишида янги босқич бўлди[5,35]. 1959-1965 йиллар беш йиллиги режаларида вилоятда ишлаб чиқариш пахта тозалаш –1.4, тикувчилик – 6.4, ёғ-мой ишлаб чиқариш – 2.2, консерва – 1.9 баробарга ошган[6,35].

Қашқадарё вилоятининг энг катта саноат тармоқлари 1970 йилларга келиб Косон пахта тозалаш, Қарши моторремонт, Муборак газ мажмуаси қурилиши ва фаолиятни бошлаши вилоятнинг иқтисодий ривожига катта таъсир кўрсатди. Оқибатда Қашқадарё вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳажми олтинчи беш йиллик режада яна 65 фоизга етган. Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти республикада табиий газ ишлаб чиқариш ва нефт соҳасининг етук тармоғига айланган. 1972 йилга келиб Қашқадарё ҳудудида “Қаршинефтвазразведка” саноат корхонаси томонидан табиий газ – 160 млрд.м³, нефт – 16 млн. тонна қазиб олинган бўлса, 1973 йилга келиб табиий газ – 7 млрд.м³, нефт – 347 минг тоннага ортган[7,36]. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ортиб бориши Муборак газ ва “Қаршинефтвазразведка” саноат корхоналарининг нафақат республикада, балки собиқ Иттифоқ республикалари орасидаги ягона табиий газ ва нефт етказиб берувчи саноат корхоналарига айланишига олиб келган.

Лекин йиллар давомида саноат корхоналарининг таъмирланмаслиги вилоятнинг экологик ҳолатида ўзгаришларнинг бошланишига сабаб бўлган. Масалан, саноат корхоналарида ишлатиладиган чиқинди ва оқова сувларнинг маълум қисми эҳтиётсизлик оқибатида республиканинг ерости ва ерусти сувларининг ифлосланишига сабаб бўлган. Республикада сув манбаларини муҳофаза қилиш учун ажратилган маблағнинг аксарият қисми сув ресурслари муҳофазаси учун ажратилган бўлса-да, янги техник тозалаш иншоотларини сотиб олиш маълумотлари манбаларда келтирилмаган. Ўзбекистонда 1966 йилги маълумотларга қараганда, йил давомида нефт-газ чиқинди сувларидан ерости сувларининг ифлосланиши натижасида 120 млн. куб.метр сувлар зарарланади ва аҳоли ичимлик сувлари яроқсиз ҳолатга келади[8].

Ўзбекистон ҳудудларида асосан Бухоро ва Қашқадарё ерости сувларининг сифати таҳлил қилинганда, газ ва нефт маҳсулотларининг қайта ишланган чиқинди сувларидан Бухоро нефт-газ саноат корхонасининг ўзидан 16 минг куб метр ерости сувлари зарарланганлигини кўрсатган.

Пахта тозалаш саноати корхоналарининг чанглари баъзан аҳолида ўпка касалликларининг авжланишига сабаб бўлганди. Қашқадарё вилоятида 1970-йилларда 5 та улкан пахта тозалаш, 24 та пахта тайёрлаш заводи фаолият кўрсатган. Пахта тозалаш заводлари марказий аҳоли пунктлари орасига қурилган. 1972 йилда Қашқадарёнинг марказий шаҳри – Шаҳрисабзда катта қувватлар асосида фаолият юритувчи пахта тозалаш заводи иш бошлаган. 1973 йилда пахта тозалаш заводи бир сутка давомида 140 тонна пахта тозалаб маҳсулот ишлаб чиқарган, йил давомида эса 34445 тонна пахта толаси, 351 тонна пахта линти, 6386 тонна пахта чигити ишлаб чиқарган[9,36]. Қашқадарё вилоятида 1959 йилда қурилган Яккабоғ пахта тозалаш заводи ҳам катта қувватлар асосида ишлаб келган саноат корхоналаридан бири ҳисобланган. Чунки, Яккабоғ пахта тозалаш заводида пахта хом ашёси билан Яккабоғ, Файзулла Хўжаев, Чироқчи пахта тайёрлаш пунктлари таъминлаб келган. Яккабоғ пахта тозалаш заводининг ишлаб чиқариш ҳажми йилига 50 минг тоннани ташкил этган. Гузар пахта заводи ҳам худду Яккабоғ пахта тозалаш заводидек, атрофидаги Гузар ва Пачкамар пахта тайёрлаш пунктларидан енлтирилган пахтани ишлаб чиқариш ҳажми йилига 40 минг тоннани ташкил этиб келган. Пахта тозалаш заводларидан чиқаётган чанг ва пахта тозалаш кимё воситалари чиқиндилари атмосфера ҳавоси, яқин ариқлар ва сойларга ташлаб келинган.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши кўпроқ йирик шаҳарлар ва саноат корхоналарининг бир жойга тўпланиб қолган ҳудудларда муаммоли вазиятларни келтириб

чиқарган. Республикада турғун манбалар 150 турдаги ифлослантирувчи моддаларни чиқаради. Шуларнинг фақат 85 фоизи Тошкент, Қашқадарё, Фарғона ва Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келади[10,68]. Демак, Қашқадарё вилоятидаги аҳоли яшаш ҳудудларига жойлаштирилган пахта тозалаш заводлари атмосфера ҳавосини ифлослантиришда республикада етакчи ўринда туриши ҳам бунинг яққол далили ҳисобланади.

Қашқадарёнинг аҳоли ичимлик сувларининг ифлосланиш даражасининг ортиб боришига сабаб турли кимё ва ёғ-мой заводларининг чиқинди сувларининг тартибсиз атрофга ташлаб келинишидир. Қашқадарё вилоятида Қарши ва Шаҳрисабз ёғ-мой ишлаб чиқариш саноат корхоналари 1959 йилдан бошлаб фаолият юргизиб келган. Вилоятда бундан ташқари, вино, консерва ва ёғ ишлаб чиқариш енгил саноат корхоналари ўз маҳсулотларини республикага етказиб берганди. Саноат корхоналаридаги моддий-техник аҳволни назорат этиш шиддат билан ишлаб келган саноат корхоналарига кечроқ қўйилган. Масалан, 1975-1985 йиллардаги маълумотларга эътибор қаратсак, 1960 йиллардан бери ишлаб келган озиқ-овқат, вино, ёғ-мой, гўшт, консерва ишлаб чиқариш корхоналари бошқа саноат корхоналари каби чиқиндиларини атрофга назоратсиз ташлаб келганлигини кўриш мумкин. “1979 йилда атроф-муҳитни асрашга оид режани амалга ошириш натижалари ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларнинг якуни бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”[11] ги амалий назорат ишларида Қашқадарё вилоятидаги “Қишлиқ” совхоз, Шаҳрисабз вино заводи ишлар 37-40 фоизга бажарилганлиги ва корхоналар чиқинди сувларини аҳоли ариқларига ташлаб келаётганлиги аниқланган[12].

1978 йилда Қарши гўшт заводининг атроф-муҳитга зарарли таъсири аниқланган[13].

№	Зарарли моддалар	Тозаланмаган ташлама сувлар миқдори	Атмосфера ҳавосига ташланган чиқиндилар миқдори
1	Қаттиқ ва газсимон моддалар	34,3	34,3
2.	Углерод оксиди	29.4	29.3
3.	Азот кислотаси	4.9	4.9

1985 йилда Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатиб келаётган саноат

корхоналарининг аҳоли юзасидан назорат олиб борилганда, атмосфера ва сувга

нисбатан ифлослантириш бўйича 680 та далолатнома расмийлаштирилганлиги аниқланган[14]. 1986 йилда Қашқадарёда фаолият кўрсатган “яшил назоратчилар” жамоаси томонидан ўтказилган таҳлиллар давомида Шаҳрисабз консерва заводи, “Прогресс” совхозини, Шўртангаз ва Китоб шаҳри саноат корхоналари ўз чиқинди сувларини Оқсув ва Танҳодарё сувларига ташлаб келган[15]. Натижада дарё сувлари ифлосланиб, сифати бузилган. Бундан ташқари, Шаҳрисабзнинг “Қарши стройиндустрия” саноат корхонасида чиқинди сувларни тозалаш иншоотларининг етишмаслиги ва техник носозлиги туфайли чиқинди сувлар атроф-муҳит сув ресурсларига салбий таъсир этиб келган. Қарши шаҳрида жойлашган керамзит заводининг моддий-техник аҳволи ҳам талабга жавоб бермаган. Керамзит заводининг кимёвий захарли чанглари атмосферага очиқ ташлаб келинган. Атмосфера ҳавосига ташланишидан олдин чанглари тутиб қолувчи ускуналар керамзит заводида етишмаган ва мавжуд бўлганлари ҳам ишламай келганди[16]. Қашқадарё вилоятининг саноат корхоналаридаги чиқиндиларнинг назоратсиз канал ва яқин ариқларга ташланиши Амударё сувларини сифатсиз бўлиб қолишига олиб келган.

Бундай ҳолатга Қашқадарё вилоятининг кўплаб саноат корхоналари назорат этилганида, 60 та саноат корхонаси жойлашганлиги маълум бўлган. Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг чиқинди сув ва чиқинди чанглари зарарсизлантирувчи ускуналари рўйхатга олинганида, 70 та сувларни тозалаш иншооти мавжудлиги ва шулардан 38 таси ишлаб келаётганлиги, қолган 32 таси умуман ишламаслик ҳолатлари аниқланган[17]. Натижада, саноат корхонаси чиқинди сувлари аҳолининг 600 га яқин ичимлик суви манбаларини захарлаб келганлиги[18], сувларнинг ичишга яроқсизлиги туфайли, сув танқислигига ва аҳоли орасида турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Инсон экологиясидан ташқари, ҳайвонлар экологиясида ҳам саноат корхоналарининг чиқиндиларидан азият чекиши тасдиқланган. Ҳайвонларда суяклар емирилиш ҳолати, улар танасини кўтара олмаслик касалликлари, тишларининг қорайиб тўкилишида кузатилган.

Сувларнинг тартибсиз ишлатилиши, назорат этилмаслиги натижасида, Қашқадарё ҳудудларида сувнинг етишмаслиги бошланган. Қашқадарёнинг Зарафшон ариқ-каналларидан сувларнинг ортиб қолмаслиги натижасида Қашқадарё вилоят экин ерларига сув танқислиги ҳолатини кузатиш мумкин. Шу билан бирга Қашқадарё сувларининг Амударё сувлари сифатининг бузилиш тизимлари вилоятдаги ичимлик сувларига ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган[20,12]. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятидаги ҳудудларда сувдан оқилна фойдаланмаслик борасида ҳам анча камчилик ва хатолар кўзга ташланганди. 1963 йил 23 февралда СССР Давлат План Комитетининг Давлат Эксперт Комиссияси қарори билан Қарши чўлидаги 200 минг гектар ерни ўзлаштириш мақсадли мувофиқлиги белгиланди. Натижада, СССР Министрлар Советининг “Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштиришни ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советига қуйидаги вазифаларни белгилаб, 1967-1970 йиллар мобайнида Амударёдан Қашқадарёгача бўлган масофада насос станциялари бўлган Қарши магистрал канали, инженерлик иншоотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, қурилиш материаллари ва буюмлари саноати, қурувчилар ва янги ерларни ўзлаштирувчилар учун посёлкаларни қуришни амалга ошириш каби режаларни ишлаб чиқди[21]. Қарши чўлининг ўзлаштирилиши унинг табиий ресурсларининг ўзлаштирилишига олиб келганди[22,64].

Айниқса металлургия, кимё, цемент саноати корхоналари жойлашган ҳудудларда атмосфера ҳавосига турли зарарли чанглари: сульфид, қўрғошин, рух, маргимуш элементлари ва турли газлар мавжуд бўлган. Бинобарин, бу борада Қашқадарё вилоятидаги Қарши цемент заводи, газ қазиб олиш комплекслари доимий эътиборда бўлиб келган [24,23,38]. Қашқадарё вилоятида газ қазиб олиш жараёнида саноат корхонаси чиқитсиз тизимга ўтказишни ривожлантириш ва тезлатиш каби таклифлар фақат бериб борилган[25,23,41]. Акс ҳолда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва ҳудудларда янги-янги захарли моддаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши таъкидланганди.